O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG'ONA VILOYATI
O'ZBEKISTON TUMANI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА
УЗБЕКИСТАНСКОГО РАЙОНА
ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

2020 yil "22" Сентябрь № 1328

**"GEO-BENT" МЧЖга туман давлат захира ерлари № 4 участкасида жойлашган "Shorsuyskoe (1973)" бентонит гилл кони қисмидан бентонит глина қазиб олиш карьери (қазилмагохи) учун ер майдони танлаш ва ажратиш хақида**

Тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқиб хамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6,20, 23 ва 78-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси "Махаллий Давлат хокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 6,10,25-моддаларига асосланиб

**КАРОР КИЛАМАН:**

1.Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қари участкаларидан фойдаланиш хуқуқи учун лицензиялар бериш буйича комиссияси томонидан 15 октябр 2018 йилда берилган серия ҒR тартиб рақами 0027 "Ер қари участкаларидан фойдаланиш хуқуқи учун" берилган Ғ 5 турли лицензияларми асос учун қабул қилинсин.

2.Ўзбекистон тумани доимий харакатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг Шурсув кургони атрофидаги ерларидан "GEO-BENT" МЧЖга туман давлат захира ерлари № 4 участкасида жойлашган "Shorsuyskoe (1973)" бентонит гилл кони қисмидан бентонит глина қазиб олиш карьери (қазилмагохи) учун ер майдонлари танлаш ва ажратиш тўғрисидаги 2020 йил 10 мартдаги далолатномаси тасдиқлансин.

3. "GEO-BENT" МЧЖга "Shorsuyskoe (1973)" бентонит гилл кони қисмидаги қишлоқ хужалигида фойдаланмайдиган туман давлат захира ералри № 4 участкаси № 106 қ контуридаги жами 1,70 га (бир гектар етмиш сотих) гектар ер майдонидан бентонит глина қазиб олиш карьери (қазилмагохи) 15 октябр 2018 йилда берилган серия ҒR тартиб рақами 0027 "Ер қари участкаларидан фойдаланиш хуқуқи учун" берилган Ғ 5 турли литцензисининг 4 иловасида белгиланган чегараси бўйича 15 июл 2023 йилгача вақтинча фойдаланиш хуқуқи билан танлаб, ажратиб берилсин.

4.Ушбу карорни ижросини белгиланган муддатларда бажарилишини назорат килиш туман хокимининг уринбосари И.Нажмиддинов зиммасига юклатилсин.

**Туман хокими : Қ.Джураев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI O'ZBEKISTON TUMANI HOKIMLIGI
BAYON QISMI